



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3,546 (2020)

2022/№ 6

**ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР**

**ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**

**EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH**

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



№ 6, 2022
июнь

Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ Бош муҳаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич Жамоатчилик кенгаши раиси: Хамидов Обиджон Хафизович, Бухоро давлат университети ректори Таҳририят кенгаши раиси: Махмудов Мэлс Ҳасанович Масъул котиб: Акрамова Гулбаҳор Ренатовна Техник муҳаррир: Давронов Исмоил Эргашевич Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазов кўчаси, 16-уй Телефон: +998(90)744-00-22 E-mail: eirjurnal2020@gmail.com Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган Босишга рухсат этилди: 15.06.2022 й. Қўғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Омма- вий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб ҳар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади «Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-ме- тодик журналдан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	
	Ибрагимов Ф. Ўрта асрларда “Тиб қонунлари”га қисқартмалар ёзиш амалиёти	7
	Beshimov M K. Munzim zamondoshi ayniy xotiralarida	14
	Юсупова М Ў Бухоро воҳаси маросимларида пишириладиган таомлар ва уларнинг бугунги қундаги аҳамияти хусусида	17
	Абдурахманов А Ю 1960-1980-йилларда Сурхондарё вилояти қишлоқлари аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш фаолияти	22
	Nasilloev S. Sh. N. V. Xanikov tadqiqotlarida Buxoro tarixiy-me'moriy yodgorliklari ro'yxatining shakllantirilishi.	30
	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	Бабаева Ш. Б. Основные приёмы формирования метода моделирования синтаксических понятий на уроках родного языка	38
	Шербекова Г. Я. Бухоро никоҳ тўйи олқишлари	44
	Бекназарова Галина Время и пространство в творчестве русских писателей фантастов XX века	49
	Эшанкулова А. Х., Тухтарова А. Ф. Эстетические взгляды и поэтика произведений Алексея Варламова	53
	Ishonxanova I. A. O'rta umumta'lim maktablarida alisher navoiy epik asarlarini o'rganishga innovatsion yondashuv	57
	Жумаева Ф. Р. История изучения перехода частей речи в трудах узбекских учёных	61
	Khaydarova I. A., Allayarova D. K. Phonetic regulations of the modern russian language	67
	Ибрагимов Х. Ҳ. Бадиий матнда градуонимларнинг ўрни (Тўра Сулаймон ижоди мисолида)	71
	13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
	Чориев Р. К. Профессионал таълим мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси	75
	Baymuratova I. learning problems of medical informatics	79
	Махсудов П.М. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиси ва устасини касбий фаолиятга тайёрловга инновацион ёндашув	83
	Махмудов В. В. Ёш футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш	87

Маматалиева М. И. Махсус фанларни ўқитишда талабаларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш методикаси	90
Хашимова М. К. Организация самостоятельной деятельности студентов профессионального образования	93
Салимова С. Ф. Бўлажак биология ўқитувчилари касбий компетенциялари шаклландириш даражасини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари	102
Норқобилов М. Н. Спортчи талабаларнинг даврида махсус жисмоний тайёргарликларини ошириш	108
Жуманов А. А. Талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш	112
Комилова М. О. Становление и развитие смешанного обучения	116
Каюмов О. А. Интерактив интеллектуал электрон таълим ресурсини яратиш модели	119
Dilova N.G. Uzliksiz ta'lim-tarbiya jarayonida shaxslararo munosabatni shakllantirishning tarixiy taraqqiyoti	125
Amirqulov X. Q. Talabalarining grafik savodxonligini rivojlantirishda animatsion videoroliklarning roli	135
Шукуров Х. Г. Математика фанини ўқитишда ноанъанавий таълим ёндашувлари	139
Шомуродов Ш. Ш. Масофавий таълим муҳитида бўлажак менежерларда ахборот компетентликни шакллантиришнинг педагогик шароитлари	144
Fatullayeva M. A., Baqoyeva D. B. Voleybolchilarni saralab olish va malakali sportchilarni tayyorlashning o'ziga xos yo'llari	150
Мукумова Д. И., Ярова С. Б. Инновацион ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш муаммолари	155
Исканджанова Ф.К. Методология повышения профессионально-педагогической и информационной компетентности врача-педагога	159
Исмаилова З. К., Маматалиев А. М. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини оширишнинг илмий асослари	163
Химматалиев Д. О., Жўраева Г. А. Талабаларнинг ижодий қобилиятининг такомиллаштиришнинг мавжуд ҳолатлари	167
Рахимов О. Д. Мустақил таълимни рақамли технологиялар асосида ташкил этиш технологияси	171
Холбўтаева Д.У.Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш ижтимоий педагогик зарурият сифатида	178
Маҳмудов Ю. Б. Ўқувчилар орасидаги шахслараро қадриятли муносабатларнинг педагогик тавсифи	182
Олимов С. А. Педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотида методик ишларни ташкил қилиш, бошқариш ва мониторингини юритиш	186
Eliboeva L.S. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kasbiy mahoratini uzluksiz oshirish	190
Jurayev B. T., G'aybullayeva M. H. O'zaro darslarni tahlil qilish kasbiy mahoratni oshirishning vositasi sifatida	194
Odilova M. Oliy o'quv yurtlarida talabalarining mustaqil ta'lim jarayonini tashkil qilishda gat texnologiyalaridan foydalanish muammolari	198
Ажиева М. Б., Айтмуратова Д. К., Ажиева Б. А. «Галогенлар» мавзусини ўқитишда дидактик материаллардан фойдаланиш	202
Сиддиқов З. Х., Матгазиев Х. М. О знакомления учащихся с методами математического моделирования	206
G'ulomov J. B. Zamonaviy ta'lim sharoitida otm talabalarida mas'uliyat ko'nikmalarini rivojlantirish texnologiyalari o'rni (masofaviy ta'lim misoliida)	214
Nazarov A. A. Turkiston maktablarining tashkil etilishida jadidchilik harakati, xotin-qizlar ta'limi ahamiyati (XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlari)	219
Ширматов С. Т. Шахслараро муносабатни самарали ташкил этишда волонтерлик ҳаракатларининг роли	224

19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Zlyvkov V. L. Integrative possibilities of eclectism in the context of the opposition of scientific and humanistic approaches	228
Усманова М. Н. Роль внимания в регуляции интеллектуальной активности младших школьников	234
Lukomskaya S. A. The phenomenon of integration-disintegration in the dimensions of dialectics of modern psychological science	244
Останов III. III. Психологияда креативлик масаласининг назарий таҳлили	250
Назаров А. М. Показатели психологической устойчивости личности студента в образовательной среде ВУЗа	254
Ражабов М. Ж., Ражабова Х. Х. Манипуляция турлари ва одамларда репрезентатив тизимнинг ифодаланиши	258
Ганжиев Ф. Ф. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилари касбий компетентлигини тадқиқ қилиш услуби	263
Солиев Ф. С. Репрезентатив тизим ёрдамида суҳбатдош психотипини аниқлашнинг адекват оператив модели	271
Киличев А. А. Концепт «женщина» ва фразеологизмлар узбекского и русского языков в контексте аспектов лингвокультурологии	278
Djalolova M. A., Mamajonova Sh. K. O'smirlar xulqida nomoyishkorlik g'ayratlilik xususiyatlari tadqiq etish metodologiyasi	283
Мелиев Г. О. Бўлажак офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини шакллантириш масалалари таълим ва тавсиялар	289
Тилавов М. Х. Талабаларда альтруизм шаклланишининг психологик хусусиятлари	293
Shermatov F. T. Harbiy rahbarligiga nomzod kadrlarning kasb professiogrammasini yaratishning ilmiy asoslari	301
Ismatova D. T. O'smirlardagi emotsional zo'riqishlar muammosining nazariy asoslari	307
Садикова Ф. М. Ўқитувчининг ижодий фаолиятини олиб боришда зарурий компетенциялар мазмуни	312
Jumayev N. Z. Talaba yoshlarda agressiv xulq-atvorning namoyon bo'lishining ijtimoiy-psixogik mexanizmlari	316
A'zamova M. A. Masofaviy ta'limda ta'limning integrativ va differensial yondashuvning psixologik ahamiyati	319
Sobirov A. A. Zamonaviy maktab o'quvchilarining ta'lim jarayonida psixologik salomatligi	323
Худойкулова Г. Б. Ўқувчилар гуруҳларида шахслараро фаоллик мотивациясини шакллантиришнинг психологик механизмлари	330
Ro'ziev U. M. Xavotirli bolalar, ijtimoiy fobiya namoyon etilishining o'ziga xos xususiyatlari	337
Ахмадов Н. Р. Ўқувчилар гуруҳида психологик муҳофаза мезонларини тадқиқ қилишнинг амалий -методик асослари	344
Рустамов III. III. Амалиётчи психологларнинг касбий компетентлик омилларини ўрганишнинг методологик асослари	350
Хакимова Ф. Х. Идентификация факторов семейных разводов и пути их предотвращения	354
Ғайбуллаев А. А. Спортчиларда қазусли вазиятларда ҳиссий- иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари	358
Каримжанова Ё. У. ОИВ инфекциясини ривожланиши ва унинг инсонлар эмоционал ҳолатларига таъсири	363
Ходжанов А.Р. Қурашчиларни мусобақаларга психологик тайёрлашнинг ўзига хос йўллари ва мусобақага психологик тайёргарлик жараёнининг хусусиятлари	368
Омонов III. II. Рекламани идрок қилишда шахс ижтимоий установка компонентларининг таъсири	372
Тожиева Р.Қ. Маҳаллалар билан ишлаш оилаларга психологик хизмат	376
Kurbanov I. Kh. Conflicts of collision of views of the modern state, manifesting in innovative personality	381

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЧИЛАРИЛАРИ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УСЛУБИ**

Ганжиев Феруз Фурқатович
Бухоро давлат унверситети
психология кафедраси ўқитувчиси
<https://orcid.org/0000-0002-3529-6142>

Аннотация: ушбу мақолада ижтимоий-психологик компетентлик самарадорлигига баҳо бериш учун тадқиқот мақсадига мос равишда татбиқ этилган методикалар бугунги кун ижтимоий психология фанининг айрим амалий-тадқиқий йўналишлари ва истиқболлари ҳақида янада чуқурроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Умуман, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг шахсий ва касбий фаолият уйғунлигининг намоён этилишида шахс типлари ва коммуникатив ва социал компетентлик хусусиятларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва тегишли эмпирик хулосалар чиқариш орқали тарбиячиларда ўзига хос компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланишига баҳо бериш мумкин.

Калит сўзлар: глобаллашув, ислоҳот, касбий компетентлик, эмпирик маълумот, психологик усуллар, коммуникатив компетентлик, социал компетентлик, когнитив компетентлик, аутопсихологик компетентлик.

**МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Ганджиев Феруз Фурқатович
Бухарский государственный университет, Кафедра психологии

Аннотация: используемые в статье методы оценки эффективности социально-психологической компетентности в соответствии с целью исследования позволяют глубже понять некоторые практические направления и перспективы науки социальной психологии на сегодняшний день. В целом проявление и развитие конкретных факторов компетентности у воспитателей можно оценить путем углубленного изучения, анализа и соответствующих эмпирических выводов о типах личности и коммуникативно-социальной компетентности в выражении личностно-профессиональной деятельности воспитателей дошкольного учреждения.

Ключевые слова: глобализация, реформа, профессиональная компетентность, эмпирическое знание, психологические методы, коммуникативная компетентность, социальная компетентность, когнитивная компетентность, аутопсихологическая компетентность.

**METHOD OF STUDYING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF
PRESCHOOL EDUCATION EDUCATORS**

Ganjiev Feruz Furqatovich
Bukhara State University Department of Psychology

Annotation: the methods used in this article to assess the effectiveness of socio-psychological competence in accordance with the purpose of the study provide a deeper understanding of some of the practical directions and prospects of the science of social psychology today. In general, the manifestation and development of specific competence factors in educators can be assessed through in-depth study, analysis and appropriate empirical conclusions of personality types and communicative and social competence in the expression of personal and professional activity of preschool educators.

Keywords: globalization, reform, professional competence, empirical knowledge, psychological methods, communicative competence, social competence, cognitive competence, autopsychological competence.

Жаҳон миқёсида ижтимоий интеграция, глобаллашув ва ахборотлаштириш тенденцияларининг кучайиб бориши барча турдаги таълим муассасалари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик масалаларига бугунги замонавий талаблар асосида янада жиддийроқ эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Болонья Декларацияси, «Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси», Олий касбий таълим муассасалари Европа ассоциацияси EURASHE, ENIC-NARIC ахборот-тизим маркази, Таълим соҳасидаги халқаро ташкилот Education International ҳужжатларида педагог кадрларга алоҳида талаблар қўйилади ва уларнинг профессионал компетентлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда глобаллашув жараёнининг кечиши, ўзига хос ижтимоий тараққиёт тамойилларига мос шахсни тарбиялаш ва унга ижтимоий-психологик таъсир этишни таъминловчи тарбиячиларга бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларини ўрганиш, уларнинг компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш каби устувор масалалар бўйича муҳим тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар талабига тўла жавоб берувчи, интеллектуал салоҳияти юқори, кескин ўзгаришларга тез мослаша оладиган, рақобат бардош, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, айни пайтда ушбу тизимда, масъулиятли, иродали, ўз касбига садоқатли, фидойи кадрларни етиштириш вазифасини қўймоқда. Ушбу вазифанинг амалий жиҳатдан бажарилиши мактабгача таълим ташкилотларида соғлом психологик муҳитнинг яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, ҳар бир тарбиячида шахслилик хусусиятлари ва ижтимоий-психологик компетентлик ўртасидаги уйғунликни таъминловчи психологик механизмларнинг фаолият самарадорлигига бевосита таъсирини белгилаб берувчи омилларни аниқлаш, тадқиқ қилиш асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни бевосита амалиётда қўллаш масаласини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари тадқиқотларида компетентлик муаммоси педагогика фанлар каби психологиянинг ҳам муайян

даражадаги тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Мазкур муаммо психологик тадқиқот сифатида дастлаб Д.Г. Майерс, К.Р. Роджерс, Ж.Ф. Пиаже, Д. Векслер, Д. Гоулман, Г.Ю. Айзенк, Л.Ф. Бахман, А.Д. Палмер, Ян Ван Эк, Г.У. Олпорт, А.А. Реан, В.А. Кан-Калик, Э.Ф. Зеер ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Рус олимларидан профессионал компетентлик ва унинг касбий фаолият самарадорлигига таъсири Н.В. Самоукина, А.К. Маркова, В.А. Слостенин, З.А. Решетовалар томонидан ўрганилган. Таниқли психолог А.К. Маркова эса педагог профессионал компетентлигини шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганади ва бу жараёни касбий компетентликнинг шаклланиш истиқболларидаги аҳамиятини асослаб беради. Шунингдек, Ю.К. Бабанский, С.Л. Рубинштейн, В.Д. Шадриков, Ш.А. Амонашвили, Б.Б. Величковский каби рус олимлари томонидан амалга оширилган илмий изланишларда компетентлик касбий фаолият самарадорлигини ташкил қилувчи етакчи омил сифатида ўрганилиб, унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари очиб берилган.

Мамлакатимиз олимларидан М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, Ғ.Б. Шоумаров, А.М. Жабборов, З.Т. Нишонов, Д.Г. Мухамедова, Ш.Ҳ. Абдуллаевалар педагог касбий компетентлигининг психологик муаммоларини ўз тадқиқотларида очиб берганлар.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ижтимоий-психологик компетентлик муаммоси ижтимоий психологиянинг турли объектларида, турли хил илмий мақсадлар асосида ўрганилган бўлиб, уларда компетентлик феноменининг умумий табиати, монографик тарзда текширилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларлари касбий компетентлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, унинг ўзига хос ижтимоий психологик омилларига жиддий эътибор қаратиш, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан мактабгача таълим муассасаси тарбиячилар касбий компетентлик имкониятлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун улар билан алоҳида тадқиқотлар олиб борилиб, эмпирик маълумотлар йиғиш ва уларнинг натижаларини ижтимоий психологик талаблар асосида таҳлил қилиш тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур параграфда ушбу муаммони ечиш ва ижтимоий психология фани учун муҳим бўлган илмий янгиликлар киритишни мақсад қилиб олдик.

Биз тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб касбий компетентлик кўрсаткичларини ўрганишга, таҳлил қилишга ва тегишли хулосалар чиқариб амалий тавсиялар беришга ҳаракат қилдик. Ҳар бир олинган натижа махсус тартибда қабул қилинган мезонлар ва баллар тизимида киритилиб керакли маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларларининг касбий компетентлик шаклланишини намоён этувчи ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлар қўламига баҳо бериш билан бирга бу жараён учун характерли бўлган касбий компетентликни касбий фаолият самарадорлигига таъсири аниқлаш, аниқроғи илмий таҳлиллар асосида уларга баҳо бериш масаласи ҳам тадқиқотимизнинг тўлақонли бўлишини таъминловчи муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотимизнинг якунида танланган тажриба ва назорат объектлари мисолида мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларлар касбий

компетентлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва унга илмий изоҳлар бериш масаласини қўйиш режалаштирилди. Чунки, бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилар касбий компетентлигига таъсир этувчи омилларни ўрганмай туриб, уни фаолият самарадорлигига таъсирини етарли даражада башорат қилиб бўлмайди.

Умуман, ҳар бир олиб борилган илмий услубий ишланмалар илмий психологияда қабул қилинган математик–статистик таҳлил мезонлари асосида расмийлаштирилиб керакли илмий-амалий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилади.

Энди, ҳар бир усулнинг тадқиқот мақсадига мос мазмуни ва тадқиқ қилиш услуби ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтамиз.

Касбий компетентликни тадқиқ этишнинг назарий таҳлилида келтириб ўтилган маълумотлар эмпирик натижаларни шарҳлашда методологик асос сифатида хизмат қилиши хусусида юқорида мулоҳаза юритган эдик. Ўз навбатида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий компетентлигини касбий фаолияти билан боғлаб тадқиқ этиш бугунги кун психологиясининг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Тадқиқотимизда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини янада мукамалроқ ўрганиш учун муаллифлик сўровномамиздан фойдаландик. Ушбу сўровномада мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлиги бешта омил бўйича аниқланди: «психологик компетентлик», «социал-перцептив компетентлик», «коммуникатив компетентлик», «когнитив компетентлик», «аутопсихологик компетентлик». Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини эксперт баҳолашда ҳамкасблар ҳамда ота-оналар жалб этилди.

1. Психологик компетентлик- мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий фаолиятида тарбияланувчилари ва жамоаси ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат психологик усуллар ва малакалардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш қобилияти. Тарбиячиларнинг ҳар бир болани ёш психологиясини ва индивидуал хислатларини билиши, уларнинг касбий фаолият жараёнини муваффақиятли кечишини таъминлаши шубҳасиздир.

2. Социал-перцептив компетентлик-атрофдагиларни шахс сифатида ички дунёсини ўқий олиши ва шахслараро муносабатларда улар билан эмоционал мулоқотда бўлишга, жамоадошлари, ота-оналар билан психологик алоқани ўрнатишга ёрдам беради. Шу билан бирга мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ахлоқ асослари ва нормаларини билиши жуда ҳам муҳимдир.

3. Коммуникатив компетентлик- мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини асосини ташкил қилувчи, шахслараро муносабатда муҳим омил синалувчи, атрофдагиларни ижобий муносабатини шакллантирадиган, ўз фикрини бошқаларга маъноли тушунтира оладиган ва ўзаро мулоқотни тўғри ташкил қила олиш қобилияти.

4. Когнитив компетентлик- бу мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий фаолиятида учрайдиган психологик тўсиқларни енгиб ўтиш, фаолият жараёнида касбий вазифаларни тўғри ҳал қила олиш, вазиятни тўғри баҳолай олиш ва ахборотларни синтез қила олиш қобилияти. Ўзга инсонларни қизиқишлари ва дунёқарашларини адекват тушуниш мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг муҳим хислатларидан биридир.

5. Аутопсихологик компетентлик- ўз ҳатти-ҳаракатларини тўғри бошқара олиш ўз шахсий хусусиятларини адекват баҳолай олиш ўз-ўзига баҳо ва ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти. Бу қобилият касбий фаолият самарадорлигини

таъминловчи ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг жамиятдаги ролини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўладики, экспертларнинг баҳоларида касбий компетентлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртачадан юқори қийматларга эга бўлсада, аммо уларнинг қийматларида Студент t-мезонига кўра фарқлар ишончлилиги кўзатилди. Эксперт баҳолаш натижалари юзасидан олинган натижалар қуйидаги жадвалда акс этган («1-жадвалга қаранг»).

Эксперт баҳолашда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «Психологик компетентлик» (ҳамкасблари 5,42 балл ва ота-оналар – 6,13 балл билан баҳолаган бўлиб, фарқлар ишончлилиги $p < 0,05$ қийматни кўрсатди). Экспертларнинг ушбу шкала бўйича баҳолари мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ушбу қобилиятини ота-оналари бевосита машғулотлар жараёнини кўзатишдаги. Ҳамкасблари эса улар билан бевосита иш жараёни, касбий фаолият ҳамда кундалик турмуш юмушлари билан боғлиқ муносабатларидаги таассуротлари орқали баҳолаганлар. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўз тарбияланувчиларининг ота-оналари билан таълим жараёнидаги муносабатларида зарур ўринларда субординация сақлашга ҳаракат қилиши мазкур шкала бўйича қийматлари ҳамкасбларига қараганда пастроқ бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «социал-перцептив компетентлик» бўйича кўрсаткичларда ҳам ҳамкасбларнинг берган баҳоси юқорироқ кўриниш олган (5,73 балл). Ушбу ўринда тарбиячиларнинг масъулиятли, одамларга муносабатини тўғри амалга ошира олиши, ҳамкорликни онгли амалга ошириши касбий сифатларга мансуб эканликларини кўрсатмоқда. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «коммуникатив компетентлик» шкаласи кўрсаткичлари ҳам ота-оналар ва ҳамкасблари томонидан бошқа шкалаларда кўзатилган манзарани акс эттирмоқда (ҳамкасблар – 5,02 балл ва ота-оналар – 6,11 балл, фарқларнинг ишончлилиги – $p < 0.001$).

1 -жадвал

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини эксперт баҳолаш натижалари

№	Шкалалар	Ота-оналар		Ҳамкасблар		T
		X	Σ	X	σ	
1.	Психологик компетентлик	5,42	1,10	6,13	0,74	-2,23*
2.	Социал-перцептив компетентлик	4,35	1,56	5,73	0,96	-6,07***
3.	Коммуникатив компетентлик	5,02	1,45	6,11	0,93	-7,66***
4.	Когнитив компетентлик	5,13	1,26	6,41	0,83	-10,98***
5.	Аутопсихологик компетентлик	5,43	1,40	6,24	0,80	-9,42***

Изоҳ: * $p < 0.05$. *** $p < 0.001$

Шкала қийматлари асосида экспертлар мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ушбу шкаласида ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатишга, инсоний муносабатларни ўрнатишга ва муомалани қоидали амалга оширишга қобилиятли эканликлари билан характерланади. Демак, юқоридагиларга асосланган ҳолда касбий компетентликни шахс типлари, шахслилик хусусиятлари ва социал интеллект билан ўзаро уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий омилларни ўрганишга

қаратилган усуллар бугунги мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган тарбиячилар фаолиятидаги касбий компетентлик кўрсаткичларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тадқиқот мақсадига мос илмий-амалий хулосалар чиқариш имконини беради. Энди, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилари касбий компетентлигини муҳим омили ҳисобланадиган социал интеллектни ўрганишга доир дастлабки миқдорий таҳлиллар (ўртача қиймат ва корреляция коэффицентлари) умумий ҳолатни акс эттирган хусусий ҳолатлар, яъни социал интеллектнинг касбий камолот даражасини белгилашдаги ўрни хусусида тўхталиб ўтамиз. («2- жадвалга қаранг»).

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг социал интеллектга хос бўлган турли хил хусусиятлар касбий фаолияти жараёнида касбий компетентликка таъсирини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Биз мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий компетентлиги билан социал интеллект ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишдан олдин барча босқичдаги тарбиячилар шахсига хос хусусиятларнинг умумий кўринишини таҳлил этамиз. Кейинги таҳлилларимизда эса айнан касбий компетентлик билан унинг бошқа омилларини касбий фаолиятидаги аҳамиятига бағишлаймиз.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларини социал интеллектнинг умумий ҳолатини ўрганишда Дж. Гилфорд тестини татбиқ этишдан олинган қийматлар устида таҳлил амалга оширилади

Дж. Гилфорднинг тести бўйича мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилар социал интеллектини шартли равишда келтирилган стандарт баллар бўйича баҳолаймиз.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг социал интеллект даражаси таҳлили Дж. Гилфорд методикасининг тўртта субтестида кўзда тутилган: мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш. новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш. вербал имо-ишораларни тушуниш. шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш кабилардан иборат шахс имкониятлари кўламини аниқлашга хизмат

2 -жадвал

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектини умумий натижалари

Методикалар	Шкалалар	X	Y	T
Социал интеллект-ни ўрганиш тести (Гилфорд бўйича)	Мулоқот иштирокчисининг ҳис-сиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,42	1,12	29,7
	НOVERбал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,52	0,92	35,9
	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,44	1,16	32,8
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	3,40	1,10	28,8

Энди, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг социал интеллектнинг умумий шарҳига тўхталиб ўтайлик. Биринчи навбатда уларнинг «мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятига мурожаат қилинади. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг бу шкала бўйича кўрсаткичлари 3,42 га тенг бўлди. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари фаолият жараёнида атрофдаги инсонлар ва тарбияланувчилари билан муомалада хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш қобилиятини шакллантиришган. Улар муомаладаги реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан якунлашини баҳолай олишлари, баъзан одамлар билан кутилмаган, нотипик ҳолатларда хатти-ҳаракатларни прогноз қилишда янглишишлари мумкинлиги, қўйган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқа олишига хайрихоҳликларини англатмоқда.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» бўйича кўрсаткичи (3,52) эса уларни шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушуниш қобилиятини ривожлантиришга ҳамда мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштирокига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришга имкониятлари борлигини кўрсатмоқда.

Социал интеллектда яна бир ўзига хослик вербал тарзда ифодаланаётган мулоқот ҳаракатларни тушуниш қобилиятидир. Бу борада тарбиячиларнинг социал интеллектининг умумий кўриниши куйидагича (3,42), яъни бошқа субтест натижаларига қараганда озроқ қуйи қиймат акс этганлигидир.

Бу эса тарбиячиларнинг шахслараро муносабат характериға кўра бир-бири билан суҳбатлашадиган инсонларни тез ва яхши тушунишга мойилликлари, мулоқотда ҳар қандай инсонлар билан тил топишиб кетишга имконликларини қайд этмоқда. Ўйлаймизки, ушбу қобилият улар учун нафақат инсонлар билан муносабат, балки тарбияланувчиларининг билдирадиган фикр-мулоҳаза ва муносабатларига қараб ҳам уларнинг шахсига хос таърифлар бера олишларидан далолат беради. Социал интеллектнинг баҳоловчи навбатдаги шкала «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» бўлиб, у бўйича мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари 3,40 балл қийматига эга бўлдилар. Бу балл тарбиячиларнинг нобербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш шкаласи билан бир хил қийматни акс эттирмоқда ва куйидаги психологик маънога эга бўлган ижтимоий қобилиятни ўзида акс эттиради: шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушунишга, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини фаоллигига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришлари мумкин.

3-жадвал

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллект кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат натижалари

Шкалалар	Мулоқот иш-тирокчиларининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Нобербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчиларининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,364**	0,111	0,132
Нобербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	0,364**	1	0,022	0,272*
Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	0,131	0,024	1	-0,131
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	0,131	0,272*	-0,151	1

Изоҳ:** $p \leq 0.01$. * $p \leq 0,05$

Юқоридаги мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектининг умумий ҳолатини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш учун методика шкалаларининг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион муносабатларни аниқлашга эришилди. Қўлга киритилган натижалар навбатдаги 3-жадвалда ўз аксини топган.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал интеллектининг умумий натижалари қийматлари ўртасидаги корреляция муносабатларида

иккита аҳамиятли корреляцион салмоққа эга коэффицентлар аниқланди. Улардан биринчиси, «мулоқот иш-тирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилияти билан «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилияти орасида аниқланди: $r=0,364$, $p\leq 0,01$. Социал интеллект шкалаларининг бундай салмоқли корреляция ко-эффиценти ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида «мулоқот иштирокчиси-нинг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятини ривожлантириб боришлари «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилиятини ўсиши билан ўзвий бораётган экан. Бу эса, тарбиячиларнинг касбий фаолиятда хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш, муомалада реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан яқунлашини баҳолай олишлари, қўйилган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқишлари, инсон хулқ-атворини бошқариши, ролли меъёрлари ва қоидаларига доир билим ва ўзаро таъсирлашуви, иштирокчилари билан боғлиқ нобербал реакцияларда тўғри мўлжал ола билишлари туфайли инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини нобербал намоён бўлиши, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашга, мулоқот иштирокчиларининг нобербал реакцияларини кўзатувчанлигига, нобербал мулоқот ҳаракатларини тушунишга сезгирликни, бошқаларни тушунишларига имкон берар экан. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларидаги «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилиятининг ривожланиши сабабли «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» қобилиятини яхшироқ намоён этишга олиб келар экан. Буни улар ўртасидаги корреляцион таҳлил қийматлари ифода этмоқда ($r=0,272$, $p\leq 0,05$). Бу икки қобилият орасидаги ўзаро ижобий корреляцион алоқадорлик куйидаги социал интеллектнинг ифодаловчи хусусиятларни камол топишига олиб келади: мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини нобербал намоён бўлишини, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашлари, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштирокига қараб баҳолаш қобилиятларини ривожлантираётган эканлар. Демак, юқоридаги илмий мулоҳазаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки муайян муаммони ўрганишга қаратилган методикалар бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг касбий компетентлигини тадқиқ қилиш ва илмий хулосалар чиқариш имконини яратади.

Адабиётлар рўйхати

Ганжиев Ф.Ф., Кодирова М.Д. МАКТАБГАЧАТА'ЛIMMUASSASASI TARBIYALANUVCHILARI IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MOSLASHUVINING OZIGAXOS XUSUSIYATLARI. //Педагогик маҳорат. Илмий журнал. – Бухоро. 2020. №2. – Б. 109-111. (19.00.00. №6).

Ганжиев Ф.Ф., Тўлаев Ҳ.О. Researching the scope of the professional competence within activities. //International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Impact Factor ICV = 6. 630 Philadelphia, USA. 2019. –Б. 388-391.

Ганжиев Ф.Ф., Қосимова С.Б. Heads Of Competence In Psychologically School Education. International journal of scientific & Technology research volume 9, issue. 2020. –Б. 2787-2789.

F.F. Ganjiev. The basis of social and psychological adaptation of children in the conditions of preschool education. Bulletin of integrative psychology. Journal for psychologists, 59-64.

Ф.Ф. Ганжиев. ОСОБЕННОСТИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЫ ЧЕЛОВЕКА В ЭКСТРЕМАЛЬНОЙ СИТУАЦИИ. Лазаревские чтения Лики традиционной культуры в, 2018. С. 117-118.

Журнал Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан 2020 йил 6 октябрда ўтган.

Журнал ҳар ойда бир марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилади.

Журналнинг ҳажми 60x84, 1/8, А-4;

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик журнали 2020 йил октябрдан нашр этилмоқда.

Педагогика, психология, филология ва тилшунослик, математика, физика ва механика, техника фанлари, табиатшунослик, тарих ва фалсафа, туризм ва иқтисодиёт, ахборот коммуникацион технологиялари, география соҳалардаги илмий ва илмий-услубий материалларни ўз ичига олади. Нашр қилинган материаллар муаллифлари Ўзбекистон Республикаси ҳамда яқин ва узоқ хорижнинг етакчи олимлари, тадқиқотчи-изланувчилари.

Журналнинг калит сўзлари:

Олий педагогик таълим назарияси ва амалиёти; умумий ва махсус педагогика ва психология, педагогика ва инновация, интеграция, Ўзбекистон, Россия ва хорижий мамлакатларнинг таълим тизими; таълим жараёни; кўп маданиятли ва минтақавий таълим; III Ренессанс, XXI асрдаги таълим; таълим ва тарбия соҳасидаги миллий ва қадрият устуворликлари; таълим сифатини мониторинг қилиш; узлуксиз педагогик таълим тизими; таълим дастурлари; умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари; ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидаги таълим технологиялари.

Гувоҳнома рақами № 8882
Бош муҳаррир: Б.Б.МАЪМУРОВ

Босишга рухсат этилди 15.06.2022. Буюртма №6346
«Бухоро вилоят босмахонаси» МЧЖда чоп этилди.

ISSN 2181-1717 (E)



9 772181 171701

ISSN 2181-1709 (P)



9 772181 170902





ISSN 2181-1717 (E)



9 772181 171701

ISSN 2181-1709 (P)



9 772181 170902